

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ШОМАХМУДОВА Р.Ш.

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ

(Халқаро ва Ўзбекистондаги тажрибалар)

Ташкент-2011

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ШОМАХМУДОВА Р.Ш

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ

(Халқаро ва Ўзбекистондаги тажрибалар)

Муаллиф: П.Ф.Н. Профессор. Шомахмудова Р. Ш.

Такризчилар: П.Ф.Д. Проф. Муминова Л. Р.

П.Ф.Н. Доцент Файзиева У.Ю.

Ташкент-2010

«Олий ва ўрта махсус таълим тизимини дунё стандартлари даражасига кўтариш, халқ хужалигининг мутахассисларга бўлган эҳтиёжини илмий баҳолаш, ёшларни ўқитиш ва тарбиялашда илғор хорижий тажрибадан фойдаланиш - бу масалалар бугун энг муҳим ҳисобланади».

И. КАРИМОВ

Суз боши (Аннотация)

Мухтожлик куйида бир дилини овла,

Юракка яқинроқ маъқулни овла,

Минг Каъба сафари бир дилга

тушмас,

Маккада нима бор кўнгилни овла.

А.Қ.Фирдавсий

“Инклюзив таълим. (Халқаро ва Ўзбекистондаги тажрибалар)” номдаги монография, муаллиф томонидан хорижий давлатларнинг иш тажрибасини урганиш ва инклюзив таълим ғоясини Ўзбекистонда жорий қилиш мақсадида **1996-2011** йилларда амалга оширилган, дастлабги илмий амалий тажрибалар, изланишлар, махсус таълим ҳолати имконияти чекланган болалар ҳақида статистик малумотлар ва муаммолар унинг ечимларининг таҳлили асосида илк бора яратилди. Махсус эҳтиёжли болалар ва усмирларни инклюзив таълимининг мазмун-моҳияти, вазифалари, таълимлари, инклюзив таълимга булган эҳтиёжлар; ушбу таълим шаклини амалга оширишда халқаро ташкилотларнинг вазифалари; инклюзив таълимнинг ҳуқуқий асослари, ресурс педагог ва унинг вазифалари қайд этилган.

Монография умумтаълим мактаб, мактабгача таълим муассаса педагоглари, мутахассис дефектологлар, ота-оналар, имконияти чекланган болалар таълим-тарбияси билан фаолият юритувчи нодавлат ташкилотлар кўнгилчилари, реабилитация марказ ходимлари, педагогика олий таълим, ўрта\махсус коллеж билим юрти ва коллеж талабалари, магистрлар, аспирантлар, профессор-ўқитувчилар, педагоглар малакасини ошириш институтлари тингловчилари учун мўлжалланган.

Инклюзив таълим вазифаларини амалиётга тадбиқ этишда лойҳада иштирок этган вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги айрим мактаб, мактабгача таълим муассасалари педагоглари, малака ошириш институтлари ва олий таълим мутахассисларига уз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

ПРЕДИСЛОВИЕ

Данная монография разработана впервые на основе изучения автором зарубежного и накопленного практического опыта по внедрению инклюзивного образования в Узбекистане, в период 1996 - 2011 годы, по реализации плана действия ОДВ и ряд проектов по внедрению инклюзивного образования в республике в совместном сотрудничестве с международными организациями: **Юнеско, Юнисеф, АБР, культурного центра Юнеско расположенного в Тихоокеанском регионе АССУ (Япония),** благотворительной негосударственной организации **Оперейшен Мерси, Мерси Проект,** а также национальными государственными и негосударственными организациями **РЦСАД “Sen yolgiz emassan”, ФОПСИ** и другие. В данной работе изложены статистические данные о детях инвалидах состояние специального образования., законодательные международные акты, стратегия образования, опыт внедрения инклюзивного образования, основные задачи, принципы, методы, нормативные базы и модели инклюзивного образования в Узбекистане. А также изложены результаты семинаров, конференций, международных форумов с участием зарубежных экспертов.

В пособии освещены задачи педагогов общеобразовательных учреждений, дефектологов, ресурсных педагогов, даны методические рекомендации по коррекции детей с особыми потребностями (с нарушениями зрения, слуха, речи, интеллекта и др.) в условиях общеобразовательных учреждений.

Выражаем благодарность принимавшим участие в реализации плана действий «Образование для всех» (ОДВ) и в проектах инклюзивного образования педагогам школ, дошкольных учреждений, специалистам высших учебных заведений, института повышения квалификации.

КИРИШ

Узбекистон республикаси мустақилликка эришгандан сунг мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий ривожланиш жараенида кескин узгаришлар содир булди. Таълим тизими ва мазмунини демократизациялаш давлатимизнинг устивор сиесати XI - аср ешларини хар томонлама ривожланган, етук, дуневий фикр йуритадиган, билимли баркамол шахс қилиб вояга етказишдан иборат. «Таълим туғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайерлаш миллий дастури» таълимнинг қуйи босқичидан бошлаб, олий таълим тизимигача еш авлод таълим тарбиясини сифат жихатидан қайта куриб уни янгилашга муваффақ булинди. “Таълим туғрисидаги қонун” нинг 23-чи моддасига биноан рухий ва жисмоний ривожланишида муаммолари бўлган болалар ва усмирларга уларнинг ривожланиши, таълим олиши ва соғлигини муҳофаза қилиш учун қулай шарт\шароит яратиш мақсадида махсус таълим муассасалари ташкил қилинган.

Призидентимиз И.А. Каримов таъкидлагандек, «Таълим ислохотининг бош мезони еш авлодни жисмонан соғлом, маънавий етук, хар томонлама ривожланган комил инсон қилиб вояга етказиш ва жахон андозаларига мос билим, малака ва куникмаларни бериш, уларни она - Ватанга миллий истиклол ғояларига садокат рухида тарбиялашдир». “Таълим \ тарбия онг махсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин таълим тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад\озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди. Кўриб турганимиздек, буларнинг барчаси бир\бири билан занжир каби чамбарчас боғлиқ масаладир ”

Чунончи, она-Ватанимизнинг келажаги бугунги ёш авлоднинг уқуви, салоҳияти, истеъдоди, мустақил фикрлашига бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам билимдон, кенг дунёқарашга эга шахсларни тарбиялаб етиштириш вазифаси давлатимиз сиёсатининг устувор вазифасига кўтарилди. “Келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир¹”

Таълим мазмунини халқимизнинг миллий қадриятлари, тарихий обидалари хусусидаги маълумотлар билан бойитиш, илғор педагогик технология ва ахборотларни киритиш каби бир қатор чора \ тадбирларни босқичма \ босқич амалга ошириш давр талаби эканлиги давлатимиз томонидан аниқ белгиланди. Утган қисқа вақт мобайнида мамлакатимизнинг барча жабхаларида таълим ислохотлари изчил ва тезлик билан амалга оширилиб, куплаб ижобий натижаларга эришилди.

Ҳозирги кунда Республикамизда алоҳида ёрдамга муҳтож болалар ва ўсмирлар таълими, уларнинг нуқсон турлари ва унинг даражаларини инобатга олган ҳолда махсус таълимнинг 8 йўналиши (ақли заиф, руҳий ривожланиши сустлашган, нутқида, кўришида ва эшитишида нуқсони бўлган болалар) бўйича коррекцион таълим ташкил этилган. Ҳалқаро миқёсида таълим ислохотини демократиялаштириш ва дискриминацияга қарши курашиш натижасида жамиятнинг дунёқараши ўзгариб, ҳар хил тоифадаги кишилар орасида янгича ёндашув, узаро ҳурмат, ижобий муносабат шаклланди. Махсустаълим соҳасини ривожланишини қайта кўриб чиқиш сиёсати амалга оширила бошлади. Кўпчилик мамлакатлар “Сегрегация” таълимидан воз кечиб имконияти чекланган болаларни интеграция жамиятига мансуб бўлган интеграцион таълимни тадбиқ қилишни лозим топди. “Бола ҳуқуқларини кафолатлаш тўғрисида”ги қонуннинг 29-моддаси руҳий ва жисмоний ривожланишдан орқада қолган болаларга умумтаълим муассасаларида улар учун махсус ишлаб чиқилган таълим дастурлари бўйича ўқиш ва тарбия олиш ҳамда уларнинг жисмоний, ақлий қобилиятлари ва ҳоҳишига қараб таълим олиш ҳуқуқларини кафолатлайди.

Қонунчилик томонидан маълум тоифадаги болалар учун ўрта махсус, касб-хунар ва олий ўқув юртларига ўқишга киришда имтиёзлар белгиланган.

Бу уринда Л.С.Виготскийнинг фикрича: “Махсус мактабларимизнинг афзаллик жихатлари билан бир қаторда айрим камчиликлари билан ҳам ажралиб туради, у ўз тарбиячисини тор ддоирадаги мактаб жамоаси билан чегаралаб: қар, қур еки ақли заиф боланинг асосий эътиборини узида мавжуд булган камчилигига қаратиб барча шароитни шу нуқсонига мослаштириб қуяди. Буларнинг барчаси боланинг ҳақиқий ҳаётга кириб

¹ И.А.Каримов “Маънавият енгилмас куч” китоб, Тошкент 2008 йил